

## МАЪНАВИЙ МЕРОС - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИДИР

**Шоназаров Зафар Умирзокович**

Қарши давлат университети ўқитувчиси,

Ўзбекистон, Қарши шаҳри

Email: [z.shonazarov1976@mail.ru](mailto:z.shonazarov1976@mail.ru)

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақолада ёш авлодни ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий шарқона тарбия мезонларимиз, маънавий меросимиз асосида тарбиялаш йўллари ва оилавий қадриятларга содиқлик каби устувор вазифалар келтирилган. Шунингдек, баркамол шахс тарбиясидаги муҳим вазифалар, оила, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигидаги долзарб муаммолар ҳамда тарбиявий жараёнга қўйилган талаблар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Маънавий мерос, миллий қадриятлар, оила, оилавий тарбия, баркамол шахс, жамоатчилик, фарзанд тарбияси, маънавий ривожланиш, тарбиявий иш, маънавият, инсонпарварлик, комиллик.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье представлены приоритетные задачи воспитания молодого поколения в духе национальных ценностей, пути воспитания молодежи на основе наших национальных восточных критериев воспитания, нашего духовного наследия и верности семейным ценностям.

Также описаны важные задачи в воспитании всесторонне развитой личности, актуальные проблемы в семье, образовательных учреждениях, обществе и общественном сотрудничестве, а также требования к образовательному процессу

**Ключевые слова:** духовное наследие, национальные ценности, семья, семейное воспитание, всесторонняя личность, община, воспитание детей, духовное развитие, просветительская работа, духовность, гуманизм, совершенство.

Ҳар бир халқнинг маънавияти, тарихи, тили ва маданияти шу халқнинг ўтмиши билан боғлиқ. Чунки маълум бир халқнинг босиб ўтган йўли шу миллатнинг маънавияти ва маданиятининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшиб, шу халқ, миллатнинг қолдирган маънавий мероси асосида илм-фан, маданият ва таълим-тарбия шаклланиб ривожланиб боради. Бунда ёзма адабиёт билан бирга энг қадимги манбаларимиздан бири ҳисобланган халқ оғзаки ижоди асарларининг ўрни бевиёсдир. Ушбу халқ ҳаётининг мазмунини ифодаловчи халқ оғзаки ижоди намуналари ажодлардан авлодларга ўтиб уларнинг тарбиясига ижобий таъсир этади ва улар ватанпарлик ва инсонпарлик ғояларининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мустақил мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳар томонлама баркамол, миллий қадриятлар ва юксак маънавий фазилатларни ўзида мужассам этган, замонавий илмларни эгаллаган, интилувчан, иқтидорли ва истеъдодли, баркамол авлодни тарбиялаб камол топтиришга боғлиқ. Ажодларимиз қолдирган бой маънавий – тарихий меросдан фахир туйғусини ҳис этган ҳолда уларнинг муносиб ворислари бўлишга интилишда илму фанимиз ривожини ва истиқболи тўғрисида қайғуриб, ёшларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаётган маърифатпарвар педагог-олимларимизнинг меҳнати бекиёсдир [1].

Ҳар бир инсон комиллик сари тарбияланар экан, ҳаётда тўғри, янглишмай, адашмай яхши яшаб ўтишга ҳаракат қилишга интилади. Бу йўлда унинг ақл-идроқи ва ахлоқий онги-тафаккурининг ривожланиши уни астойдил маънавий қиёфасини юксалтиради. Ақлли одам ўрганган билимлари

натijasida ҳаётда нима қилиш кераклигини билади ва ана шу олган билимларини бошқаларга ўргатишларидан ташқари, ўзлари ҳам уни ҳаётда қўллай билишлари, улардан унумли фойдаланишлари лозим. Илмий назарияни амалиётга боғлашни удалашлари ва ҳаёт машаққатларини енгиб ўтиши орқали ҳар бир инсон нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам тарбияламоғи керак.

Келажак авлодни ҳаётга тайёрлаш уларга турмуш тажрибаларини ўргатиш, одобли, ақл-фаросатли ва билимдон, шунингдек, меҳнат фаолиятига иродали ва жисмоний ривожланган қилиб тарбиялаш давр талаби. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланаётган мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида ўсиб келаётган ёш авлоднинг меҳнат кўникмаларини ўзлаштиришида, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, ҳаётини тажриба орттиришида педагогнинг асосий вазифаси уларни тарбиялашда мактаб ва оилага ягона талабларни ўрнатишидир. Талабларнинг ягоналиги уларнинг ўхшашлигини билдирмайди. Бунда гап иш тартибига, ўқувчининг ўқишига, меҳнатга, жамоат иши ва бўш вақтига муносабати тўғрисида кетяпти.

Ёшларни ҳар томонлама маънавий етук баркамол шахс сифатида тарбиялаш мураккаб ва муҳим вазифалардан бўлиб, оила, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоатчилик бу юксак мақсадни амалга оширишда бевосита бирдек масъулдирлар. Шу биргаликдаги масъуллиқ жамиятда фарзандлар тарбияси, уларнинг маънавий ривожланиши барчанинг тарбиялашдаги уйғунлигимизга асосланади [2]. Қаерда маънавий ривожланиш юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий ишлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, шу ерда жамият ижтимоий мезонлари асосида тез тараққий қилганлиги тарихдан маълум. Биз қураётган демократик ҳуқуқий давлатнинг учта муҳим томони бор. Бу иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият. Шу уч омил қанчалик мустаҳкам ва ўзаро кучли диалектик алоқада бўлса, келажакимиз равнақи ҳам шунчалик ишончли бўлади. Жамият тез ривож топади ва ёшлар маънавияти юксалади. Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг неча-неча асрлик ҳаётини тажрибаси давомида юзага келади. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ўғити билан сингиб келганлиги барчамизга сир эмас.

Мустақил республикамизнинг бугунги маърифий ва маънавий ҳаётида асрларга тенг сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Миллий анъаналаримиз ва асрий қадриятларимиз тикланмоқда, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда. Жамият маънавиятини янада юсалтириш учун мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос йўлидан бораётган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича янги траққиёт стратегиямиз мазмун-моҳиятида ҳам бугун буни яққол кўриб турибмиз. Зеро, фуқароларни миллий маънавий меросга ҳурмат ва миллий маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашда маънавиятнинг, ўтмиш аждодларимиз қолдирган ноёб дурдоналар, санъат асарлари, мусиқий маданият, халқ оғзаки ижоди намуналарининг аҳамияти беқиёс эканлигини бугун ҳаётимизда муҳимлигини ангамоқдамиз [4]. Чунки, глобаллашув жараёнида айрим ёшларимиз орасида ахлоқсизлик, ота-оналарга бўлган оқибатсизлик, оилавий муросасизлик ва тарбиясидаги оммавий маданият кўринишларининг намоён бўлиши бу миллатга, унинг маънавий қадриятларига бўлган салбий ҳолатлардан биридир.

Бугун халқимиз ҳаётидаги ислохотлардан бири ҳам маънавий меросимизни қайта тиклаш орқали маънавият ва жамиятни янгилашдан мақсад - миллий қадриятларимиз, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар замирида маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш. Бундай маънавий ҳаётимизда таълим-тарбия олган ёшларимиз мафкураси, уларнинг онги ва тафаккури гўзал ва ижодий излунувчан бўлади. Ҳаммамизга маълумки, ёш авлодни тарбиялашда миллий ифтихор, миллий қадриятлар ва урф-одатлар асосида тарбиялашда оиланинг ўрни катта аҳамиятга эга. Оила тарбияси орқали бола онгида умуминсоний ва миллий қадриятлар, яшайдан мақсад ҳақида дастлабки тасаввурлар ҳосил бўлади [3]. Оилада шахснинг ижтимоий-қимматли фазилатлари ўса бошлайди. Ўзбекистон

шароитида оилавий тарбия мазмуни ташкил этилишига оид педагогик омиллар мавжудки, буларни ҳисобга олишга мажбурдирмиз.

Болаларни комиллик сари тарбиялашда мактабни оила билан боғламасдан, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун мактаб ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ишларни кенгайтириши лозим. Ота-оналарнинг ўқитувчилар билан бўлган учрашувида айтган фикрлари айниқса, ота-оналар учун қимматлидир, чунки улар ўз фарзанлари тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб оладилар. Бола мактабга кириб, то уни тамомлаб чиққунга қадар ота-она мактаб билан яқин алоқа ўрнатиши, фарзандининг ўзлаштириши, хулқ-атворидан ҳамиша хабардор бўлиши тарбия масалалари бўйича ўқитувчи, синф раҳбари билан маслаҳатлашиб, уни дарсдан сўнг болани нима билан машғуллигидан хабардор қилиши лозим. У ўз навбатида ўқитувчи ҳам боланинг ўқиши, одоби, хулқи, мактабда ўзини тути билиши ҳақидаги маълумотларни ота-онага етказиши, зарурият туғилганда ҳосил бўлган муаммоларни биргаликда ҳал этиши зарур. Демак, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги болалар тарбиясида асосий ҳал қилувчи бўғин бўлиб, бунда ўқитувчи-тарбиячи (ота-она)ларнинг бир мақсадга йўналтирилган тарбиявий ишлари ёшлар маънавиятида ижобий ҳал қилувчи омил сифатида ёш авлодни миллий кадриятлар асосида тарбиялашда маънавий меросимизнинг мазмун-моҳиятини улар онги ва қалбига сингдирувчи шахслар ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.
2. Мунавваров А.Қ. Оила психологияси. - Т.: “Ўқитувчи”, 1997. - 65 бет.
3. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: 2008 – 152 б.
4. Ҳошимов К. Халқ педагогикаси – инсон камолотининг асоси. – Т.: «Ўқитувчи», 2002.